# Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 26-IYUN, SESHANBA, 75 (8000) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида битирувчиларга дипломлар топшириш ва офицерлик унвонини беришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилда ташкил этилган мазкур олийгоҳни якунланган ўқув йилида 118 нафар тингловчи битирди. Улар институтдан мустақил ҳаётга учирма бўлаётган бешинчи навбат қалдирғочлардир.

2



Дастлаб, савдо-сотиқ соҳасида ишлаб, бозор ва истеъмолчи, талаб ва таклиф, савдо муомаласи, тадбиркор ва харидор каби тушунчаларни ўрганди Дилсора Бердиёрова ўтган йили "Микрокредитбанк"нинг Зарафшон бўлимидан 15 миллион сўм кредит олиб, Зарафшонда биринчи бўлиб адрас ва атлас тўқиш цехини ташкил этди.

2



Қишлоқ хўжалиги экинлари учун асосий озуқа моддалари манбаи ҳисобланган минерал ўғитларга ҳам талаб ортиб бораётир. Ана шу талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида мамлакатимиздаги йирик кимё корхоналаридан ҳисобланган "Максам-Чирчиқ" ОАЖ томонидан қулай, арзон ва самарали минерал ўғитлар ишлаб чиқарилаётир

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Наманган вилояти

«ҲОСИЛ — 2012»

## ҒАЛЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИНДИ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИ АВЖИГА ЧИҚДИ



Чуст туманидаги "Саъди Файз" фермер хўжалиги аъзолари жорий йил ғалла ҳосили учун 64,9 гектар майдонга буғдойнинг "Кума" ҳамда "Таня" навларини экишган эди. Мавсум давомида қилинган самарали меҳнат ҳосил баракасини таъминлади. Белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Давлатга 197 тоннадан ортиқ ғалла сотилди. Режадан ортган ғалла хўжалик аъзоларига тақсимланди. Бир қисми эса хўжалик эҳтиёжи учун сақлаб қўйилди. Айни кунларда ғалладан бўшаган экин майдонлари шудгорланиб, келгуси йилга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари 36,7 гектар майдонга пахтанинг "Андижон-35" навини экишган. Айни дамларда ғўза парваришига зўр берилмоқда. Мақсад бу борадаги кўрсаткични ҳам ортиғи билан бажариш.

**СУРАТДА:** *фермер Файзулло Саъдиев ва ўғли Дилшоджон Саъдиев.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

Андижон вилояти

*Андижон вилоятидаги 117 та коллеж ва 12 та академик лицей битирувчилари «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтган "Ёшлар камоли — Ватан жамоли" шоу-фестивалининг иштирокчиси бўлишди.*

## «БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Эрталаб вилоятдаги барча коллеж ва академик лицейларда шоу-фестивалнинг дастлабки босқичи бошланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари барча туман ва шаҳарларда бўлишиб, турли тадбирлар ўтказдилар. Чунончи, "Сиз севган қаҳрамонлар", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Ҳеч ким меҳр-шафқатдан четда қолмайди" каби лойиҳалар байрам қатнашчилари ҳукмига ҳавола этилди.





"Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида қизлар ўртасида спорт беллашувлари бўлиб ўтди. "Камолот" соврини учун ўтказилган ушбу мусобақаларда қизлар спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар. Коллеж ва академик лицейларнинг битирувчилари ҳамда умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчилар ўртасидаги учрашувлар қизғин мулоқот тарзида ўтди.

Кечга бориб, Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" ўйингоҳи шоу-фестиваль иштирокчиларидан қарийб 20 минг нафарини ўз бағрига олди. Унинг очилишида сўзга чиққанлар битирувчиларга ўқиш, иш ва келгуси ҳаёт йўлларида омад ёр бўлишини тилашди. Самога учирилган оппоқ кабутарлар бу эзгу тилакларни қўллаб-қувватлагандек шоу-фестивалга янада кўтаринкилик бахш этди.

Жорий йилда вилоятдаги коллеж ва академик лицейларни 47025 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг салмоқли қисми иқтисодиётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишни ўз олдиларига юксак мақсад қилиб олишган. Ана шу ниятга муносиб тарзда мутасаддилар уч томонлама шартномалар асосида битирувчиларга иш ўринлари яратганликлари шоу-фестиваль давомида яна бир бор таъкидланди.

Олтинкўл иқтисодиёт коллежининг битирувчиси Мафтуна Нуъмонжонова бошланғич таълим йўналишида ўқишни тамомлаб, тумандаги 31-мактабгача таълим муассасасига ишга кирганлигини қувонч билан гапириб берди. Мингбулоқ агросаноат коллежи битирувчиси Холидахон Шарипова ўзи ишлаб чиққан бизнес режасига кўра, қандолатчилик цехини ташкил этишга улгурибди. Бунда унга "Микрокредитбанк" томонидан берилган 3 миллион сўмлик имтиёзли кредит қанот бўлибди. Энг муҳими, бу қиз уч нафар тенгдошини ҳам ёнига олди.

Қўрғонтепа индустриал-педагогика коллежи учинчи босқич ўқувчиси Сарвиноз Иминова "Диплом билан бизнесга" лойиҳаси билан танловда иштирок этиб, "Микрокредитбанк"нинг мижозига айланди ва 3 миллион 100 минг сўм кредит олди. Натижада тикувчилик цехи ташкил этиб, 14 та иш ўрни яратишга эришди.

— Коллежимизда битирувчиларнинг келгуси ҳаёт йўли учун бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Сарвиноз. – Ўқув даргоҳимизда "Умидли тонг шижоати" корхонаси ташкил этилиб, 20 нафар битирувчи ишга қабул қилинди. Мен қатори яна 11 нафар тенгдошим иқтисодиётнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатиш учун имтиёзли кредитлар соҳиби бўлишди. 23 нафар битирувчи эса ўзлари ишлаб чиққан лойиҳа-бизнес режаларини банк муассасаларига топширишди.

Холидахон Шарипова, Сарвиноз Иминова каби бугун ўқишни тамомлаб, эртасига ўз бизнес режаларини рўёбга чиқаришга киришган ёшлар кўплиги шоу-фестиваль давомида яққол кўриндики, фақат ҳавас қиласан киши.

Яқинда Юртбошимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида коллежда ўқиб, аниқ касб эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз бола бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади, дея таъкидлаб ўтдилар.

Бу сўзнинг замирида Ватан равнақи, юрт истиқболи, келажак сари интилишга даъват мужассам. Ёш авлодга берилаётган эътиборнинг мақсад-мазмунида масъуллик, фидойилик ва, энг муҳими, Ватанга садоқат билан хизмат қилишдек улуғ ниятлар уфуриб турибди.

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Очиқ эшиклар" кунида битирувчилар билан мулоқотларда бўлишди. Жорий йилда 50826 нафар йигит-қиз коллеж ва академик лицейларнинг ўқувчилари бўлишади. Уларнинг ота-оналари, мактабда таълим берган устозлари ҳам коллеж ва академик лицейларнинг ўқув шароитлари билан яқиндан танишмоқдалар. Шоу-фестиваль давомида ана шу жиҳатлар ҳам янада ёрқинлик билан ифода этилди.

Шоу-фестиваль давомида республикамизнинг таниқли санъаткорлари ва ёш ижрочилари даврага файз киритдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## МУСТАҲКАМ ОИЛА: БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН ЎЗБЕКИСТОН!

### ПОЙТАХТИМИЗДА «ОЗОД ЮРТ ТЎЛҚИНЛАРИ» МЕДИА-ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бир қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур анъанавий фестиваль жорий йилда «Мустаҳкам оила – мустаҳкам жамият: барқарор ва фаровон Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади инсон омили эканини таъкидладилар. Бу жараёнда халқимиз маънавиятини юксалтириш, турмуш фаровонлигини янада ошириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол шахс этиб вояга етказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бермоқда.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофазалаш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, яшаши, меҳнат қилиши учун қулай шароит ва имкониятларни яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир амалий чора-тадбирлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Айни пайтда жамиятимиздаги ўзаро тотувлик, меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни маънавиятимиз, ахлоқий қарашларимиз, миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсири, нохолис ва зарарли ахборотлардан ҳимоялаш, уларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса журналистлардан янада фаолликни, мавзуга чуқур таҳлилий ёндашувни талаб этади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК билан ҳамкорликда "Саломатлик поезди" лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бундай хайрли тадбирларни ўтказишдан мақсад — экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳолига, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга инсонпарварлик ёрдамини йўналтиришдир. Шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш учун тиббий ёрдам кўрсатишдир.**

## АВЛОДЛАР БАРКАМОЛЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Жорий йилнинг олти ойи давомида Тошкент-Навоий, Тошкент-Қашқадарё-Сурхондарё йўналишида "Саломатлик поезди" ташкил этилди.

Ушбу тадбирлар доирасида малакали шифокорлар гуруҳи аниқ лаборатория таҳлилларига ва замонавий текшириш усулларига таянган ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишди. Хусусан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жами 2061 нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кўрик давомида 556 нафар аҳолига дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, уй-рўзғор буюмлари ва санитария-гигиена воситалари тақдим этилди.





Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган хайрия акцияси мобайнида жами 392,6 минг АҚШ доллари ва 31,5 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами ажратилди.

**Дилафрўз ИМОМОВА**

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

## «ҚУЁШЛИ»ДА БИЛИМЛИЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, УЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ҲАМДА МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 МАРТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАМ АНА ШУ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

"Қуёшли" ёзги интеллектуал оромгоҳи Бўстонлиқ туманининг Чимён тоғ ёнбағирида жойлашган. У Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан болажонларга муносиб совға сифатида бунёд қилинди. Ўтган йили илк маротаба ушбу оромгоҳда "Ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи" ташкил этилиб, 460 нафардан зиёд болажонлар жалб этилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

# МУСТАҲКАМ ОИЛА: БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН ЎЗБЕКИСТОН!

**(Боши 1-саҳифада)**

Беш йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳалардаги туб ижобий ўзгаришларни халқимизга холис ва ҳаққоний етказиш, юртимиздаги ислоҳотлар жараёнида жамоат электрон медиа тузилмаларининг фаоллигини ошириш, ижодий ва техник ходимларни рағбатлантириш, бу борадаги илғор иш тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда. Жорий йилги медиа-фестивалдан кўзланган асосий мақсад «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш, бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини ҳамюртларимизга таъсирчан ва самарали тарзда етказишдан иборатдир.

Медиа-фестиваль доирасида ранг-баранг тадбирлар, конференциялар, семинарлар, жонли мулоқотлар бўлиб ўтди. Айниқса, «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» шиори остида ўтказилган «Соғлом оила – соғлом жамият» телемарафони ҳамюртларимиз, кенг жамоатчиликда катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Телемарафон ассоциация томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Икки босқичдан иборат мазкур телемарафон жараёнида дастлаб ҳудудий нодавлат телестанцияларда, сўнгра Ўзбекистон Нодавлат телеканаллари тармоғи (ЎзНТТ) канали ва Нодавлат радиоканаллар тармоғи (НРТ) орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оиланинг маънавият ўчоғи сифатидаги аҳамиятини кучайтиришга оид туркум теле-радио материаллар эфирга узатилди. Айни пайтда мавзу юзасидан ота-оналар, шифокорлар, мутахассислар, ёшларнинг фикрлари атрофлича ўрганилиб, мавжуд долзарб масалалар ечими хусусида фикр юритилди.

Мазкур медиа-лойиҳаларнинг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, жамият асоси бўлмиш оилаларни асраб-авайлаш, уларнинг мавқеини юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу, ўз навбатида, журналистлардан тинимсиз изланишни, билим ва маҳоратни, ижтимоий фаолликни, катта масъулиятни талаб этади.

– Оиланинг соғлом ва ҳар жиҳатдан мустаҳкамлиги учун шифокорлар, ҳуқуқшунослар билан бирга журналистлар ҳам масъулдир, – дейди медиа-фестивалда ғолиб бўлган "Марғилон-ТВ" телерадиоканали муҳаррири Аҳрор Зиёдов. – Оилалар соғлом бўлса, жамиятимиз ҳам соғлом, ҳаётимиз барқарор, фаровон бўлади. Телематериалимизда ушбу ғояни мухлисларга, айниқса юртимиз келажаги бўлган ёшларга содда ва равон, самимий ва таъсирчан тарзда етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

«Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивалининг турли номинациялари бўйича ҳамда «Соғлом оила – соғлом жамият» телемарафони ғолиблари аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро Вилояти

# МЕХАНИЗАТОР ВА СУВЧИ ҲАМФИКР БЎЛСА, ЭКИН ЯШНАЙДИ

*— дейди Ромитан туманидаги "Барно Фармон" фермер хўжалиги раҳбари Фармон Барноев.*

**Пахтачиликда икки касб эгаси — механизатор ва сувчининг меҳнати нақадар муҳим ўрин тутишини миришкорларимиз жуда яхши билишади. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал бўладиган ёз фаслида бу касб эгаларига кўп нарса боғлиқ. Яратилажак хирмонларга улар замин ҳозирлашади, десак янада тўғрироқ бўлади.**



*Фермер Фармон Барноев ва хўжалик сувчиси Туймурод Ҳикматов.*

Дейлик, механизатор ғўза қатор ораларига ишлов беришда бироз лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйди, сувчи эса экинларни ўз вақти ва меъёрида обиҳаётга қондирмади. Бу ҳолатнинг салбий натижасини билиш учун киши деҳқончилик борасида катта тажрибага эга бўлиши керак эмас. Ишлов берилмаган, минерал ўғитлар билан озиқлантирилмаган, сувсизликдан чанқаб қолган ғўзанинг ривожланиши ҳаминқадар, касаллик ва заракунандаларга қарши чидамсиз бўлиши турган гап. Бундай ғўзадан ҳосил кутиш мантиқсиз иш.

Фармон ака билан унинг хўжалигида механизатор ва сувчилар учун яратиб берилган меҳнат шароитлари, тўланадиган ойлик маошлари, уларни рағбатлантириш борасида қилинаётган амалий ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Хўжалигимиз ташкил этилганидан буён ўтган ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери 3 нафар сувчи — Туймурод Ҳикматов, Қурбон Шомуродов, Тўлқин Фармонов ва икки нафар механизатор — Санжар Шомуродов, Фаррух Барноевлар билан биргаликда иш олиб борамиз. Ўтган вақт мобайнида улар мавжуд экин ерларининг ҳолатини, таркибини, техника ва механизмларимизнинг сир-асрорларини обдон ўрганишган. Ишнинг кўзини билишади.

Албатта, барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги юқори ўринда туради. Хусусан, механизатор ва сувчиларнинг фермер хўжалиги ишида тутган ўрни катта аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, улар қилган меҳнатига яраша рағбатлантириб борилади.

Йилнинг тўрт фасли ҳам бу касб эгалари учун бирдек иш фасли ҳисобланади. Сувчилар қиш фаслида экин ерларига яхоб суви беришади. Баҳор ва куз фаслларида ғаллазорларни, ёзда эса ғўза экинларини суғоришади. Механизаторлар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Хўжалик ҳосилдорлик кўрсаткичлари йилдан-йилга кўтарилиб, иқтисодий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб боришида уларнинг ҳиссаси катта.

— Механизатор ва сувчи етарли тажрибага, малакага эга бўлиб, ўз зиммасидаги вазифани тўғри тушуниб етса, фермернинг елкасидаги юк тенг яримга енгиллашади, — дейди фермер. — Шундай экан, фермер хўжалиги раҳбарлари бу касб эгаларининг кўнглига йўл топа билиши, уларнинг меҳнатини қадрлашни ўрганишлари керак.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳар томонлама кенг муҳофаза қилиш "Соғлом она ва соғлом бола" тамойили давлат даражасидаги муҳим вазифалардан бирига айланганлиги бу борадаги ишларнинг нечоғли самарали йўлга қўйилаётганлигидан далолатдир.

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

Ўтган йили "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти ўтказган рейтинг бўйича Ўзбекистон ёш авлод саломатлигига катта ғамхўрлик кўрсатаётган 161 давлат ичида тўққизинчи ўринни эгаллаганлигини алоҳида эътироф этмоқ ўринлидир. Мана бир неча йилдирки, ҳукуматимиз ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича алоҳида "Саломатлик лойиҳалари" ишлаб чиқиб, ҳаётга кенг татбиқ этиб келмоқда. Мазкур ҳамкорлик доирасида республикамиздаги тиббиёт бирлашмалари ва оилавий поликлиникаларда аҳолига, айниқса, ёш авлодга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда ушбу йўналишдаги "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида пойтахт вилоятида 197 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та поликлиника замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида тармоқда 2 миллиард 660 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

Президентимизнинг 2011 йил 7 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт Ассоциацияси билан молиявий ҳамкорлигидаги "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик-3)" лойиҳасини татбиқ қилиш чоралари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган лойиҳа тақдимотида шулар хусусида сўз юритилди. Унда лойиҳа доирасидаги ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида вилоятнинг Юқори-Чирчиқ, Пискент ва Паркент туманлари тиббиёт бирлашмаларини тўлиқ таъмирлаш ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «ҚУЁШЛИ»ДА БИЛИМЛИЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Ушбу ёз мавсумида ҳам бу сўлим гўшада Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган "Билимлар беллашуви-2012" интеллектуал мусобақасининг мамлакат босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 500 нафарга яқин умумтаълим мактабларининг аълочи ўқувчилари, меҳрибонлик уйларининг иқтидорли ёш йигит-қизлари мароқли ҳордиқ чиқаришлари кўзда тутилган. Айни пайтда оромгоҳда тилшунослик йўналишида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар дам олаётир.

— Бу ерда барча шарт-шароитлар етарли, — дейди Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани 29-умумтаълим мактаби ўқувчиси "Билимлар беллашуви-2012" интеллектуал мусобақасининг она тили ва адабиёт фани бўйича республика босқичи ғолибаси Динара Муродуллаева. — Айниқса, хушманзара табиати менга жуда ёқди. Тенгдошларим билан маза қилиб дам оляпман.

Замонавий меъморий услубда қурилган павильонлар, болаларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган маънавият ва маърифат хоналари, бой китоб фондига эга кутубхона, жаҳон андозалари асосида жиҳозланган замонавий компьютер хоналари болажонлар ихтиёрида. Махсус сув ҳавзалари, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти, махсус югуриш йўлаклари ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Шунингдек, билимли ва ғайратли болаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш учун ижодий ўқув машғулотлари, маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли фан кечалари, маҳорат мактаблари, викториналар, турли танлов ва мусобақалар ўтказилмоқда.

Амалий-ижодий ўқув машғулотлар "Билимлар беллашуви-2012" интеллектуал мусобақасининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган иқтидорли ўқувчиларнинг 50 нафар тажрибали устоз-мураббийлари томонидан олиб борилмоқда.

— Оромгоҳдаги ўқувчилар қизиқувчан, ташаббускор ва изланувчанлиги туфайли улар билан машғулот ўтиш педагогдан катта маҳорат талаб этади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани 41-умумтаълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Меҳрибон Реймова. — Уларнинг интеллектуал салоҳияти ниҳоятда кучлилиги баъзан ўқитувчиларни ҳам ҳайратга солиб қўймоқда. Шу боис, уларга Республика Таълим марказининг олим ва мутахассислари, дарслик муаллифлари ҳамда тажрибали ўқитувчилар махсус режа ва дастур асосида машғулотлар олиб бормоқда. Мазкур тадбирлар ўқувчиларнинг иқтидори ва истеъдодини эрта аниқлаш, уларнинг қобилиятларини янада ривожлантириш ҳамда халқаро майдонларда юксак фан чўққиларини забт этишга бўлган рағбатини оширишга ишончим комил.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# ПАХТАКОРНИНГ ЎЗИ ҲАМ, ҒЎЗАСИ ҲАМ ИШЛАЙДИГАН ПАЙТ

**Ховос тумани Ҳамза сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги Маҳкам Ғозиев раҳбарлигидаги "Меҳнатобод саховатли юрт" фермер хўжалиги аъзолари бу йил 230 гектар майдонда "Бухоро-102" навли ғўза парваришлашяпти. Янги нав уруғи шўр майдонларга ҳам чидамлилиги боис эрта баҳордаёқ бехато униб чиқди.**

Экин ривожини янада тезлаштириш, тупроқ пастки қатламидаги захни кўчириш мақсадида икки марта чуқур юмшатиш мосламаси билан ишлов берилди. Механизатор Абдулла Абдусатторов, Абдулла Умрзоқов, Ҳусниддин Ҳайитқулов, Ихтиёр Сулаймоновлар бу ишларни амалга оширишда бошқаларга ўрнак бўлишди. Культивация сифатли бажарилиб, бегона ўтдан тозаланган, ҳашарот ва кўсак қуртларига қарши биомаҳсулот қўйилган майдонларда ғўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш тезусоз бажарилаётир. Натижада ғўза чуқур илдиз отиб ўсмоқда, ҳосил элементлари пайдо бўлиши тезлашди. Ўғитдан кейин берилган сув эса ғўзанинг баравж ривожланиши, шоналаб, гулга киришига шароит яратади. Буни яхши тушунган фермер хўжалигининг Собир Қодиров, Абдурауф Умматов, Ҳабилла Жўраев, Зокир Умрзоқов каби ишчилари ўғитлаш ва суғоришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Бу йил 10 гектар майдонга қўшқаторлаб чигит экдик, — дейди фермер. — Ушбу усул деҳқондан катта масъулият талаб қилади. Бир қаторли экишда гектарида 110-120 минг туп кўчат ўстирилса, қўшқаторда 145-155 минг туп кўчат парвариш қилинади. Айниқса, биринчи, иккинчи чопиқда қўл кучига жиддий эътибор қаратдик. Айни чоғда қўшқатор майдондаги ғўзаларни гектарига 400 килограммдан азотли ўғит билан озиқлантиряпмиз. Ушбу майдонлардан камида 35-40 центнердан ҳосилдорликни чамалаяпмиз.

6 та ишлов, битта ОВХ мосламаси ва бошқа техника воситалари билан таъминланган фермер хўжалиги аъзолари мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, чўл шароитида ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

▼ ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

# «ДАЛАМ, ЭКИНЛАРИМ МЕН БИЛАН ГАПЛАШАДИ, ДАРДЛАШАДИ...»

**Поп туманидаги "Ҳумоюн Абдумуталов" номли фермер хўжалиги раҳбари Ҳошияхон Турғунова табиатан ғайратли-шижоатли аёл. Ер билан тиллашган, тажрибали деҳқон.**



— Отам раҳматли уста деҳқонлардан эди, — дейди у. — Отамнинг ер ва экинлар билан сўзлашганини кўп бор кузатганман. Ўша болалик кезлар худди эртакдек туюлар ва мен ҳам отамдай уларни тинглашга уринардим. Шу тариқа ер билан тиллашишни, деҳқончиликни ўрганиб ўсдим. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишладим. Мана беш йилдирки, Қўштепа МФЙ раисиман, шунингдек, фермер хўжалигини бошқариб келяпман.

Ҳошияхон опа мелиоратив ҳолати ёмон, ҳосилдорлиги паст 40 гектарлик захоб ерларда фермер хўжалигини ташкил этиб, иш бошлаганди. Бирор йил ҳам белгиланган режани бажармай қолмади. Аксинча, йилдан-йилга унумдорликни ошириб борди. Тасарруфидаги ер майдони 115 гектарга етди. Салкам 30 нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. Ишчиларининг меҳнатига яраша манфаатдорликликларини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратдики, у фермер хўжалигининг йилдан-йилга ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этди.

Фермер лизингга олинган чопиқ, суриш ва ҳайдов техникаларига эга. Бу йил улар қаторига юк ташувчи тиркамали трактор ҳам қўшилади. Ҳошияхон опанинг фермерлик фаолиятида у деҳқончилик қилаётган ҳудудда ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Энг аввало, дала йўлининг 1 километрига шағал ётқизилди, 500 метр масофага электр тортилди, 1 километр узунликда арча экилди. Насослар ўрнатилиб, сув чиқарилди. Ерларнинг захини қочириш учун ариқ-зовурлар доимо тозаланяпти. Булар эса шу атрофда яшовчи аҳоли учун ҳам айни муддао бўлмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалиги аъзоларига қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий дала шийпони қуриб битказилди. Айни пайтда пилла етиштириш режасини ортиғи билан бажарган хўжалик аъзолари ғалладан ҳам сарбаланд хирмон яратиш арафасида туришибди.

— Далам, экинларим мен билан гаплашади, дардлашади, десам баъзилар муболағадек қабул қилишади, — бироз хафа бўлганлигини сездириб-сездирмай кўнглини ёзади Ҳошияхон опа. — Лекин чинданам шундай...

Биз эса Ҳошияхон опага ишонамиз. Чунки даланинг тилини билгани, тажрибалилиги учун ҳам фермер опа ҳосилдорлиги паст ерни бугунгидай ҳолатга келтира олган-да.

**Шаҳзода АКБАРОВА**




**Юртимизда шижоати, ғайрати юзу кўзида, хатти-ҳаракатларида акс этиб турадиган, тиниб-тинчимас тадбиркор аёллар кўпчиликни ташкил этади. Ёшлигидан тадбиркорликка қизиқиши бўлган Дилсора опа ҳам шу йўлдан дадил одимлади. Дастлаб, савдо-сотиқ соҳасида ишлаб, бозор ва истеъмолчи, талаб ва таклиф, савдо муомаласи, тадбиркор ва харидор каби тушунчаларни ўрганди. Ўтган йили "Микрокредитбанк"нинг Зарафшон бўлимидан 15 миллион сўм кредит олиб, Зарафшонда биринчи бўлиб адрас ва атлас тўқиш цехини ташкил этди.**

— 2011 йили вилоятимиз аёллари билан Марғилон шаҳрига саёҳат қилдик, — дейди Дилсора Бердиёрова. — У ерда икки ҳафта давомида марғилонлик ҳунарманд усталардан миллий ва жозибадор матоларимиз — атлас, адрас яратиш сир-асрорларини ўргандик. Менда ҳам Зарафшонда водийникидан қолишмайдиган атлас ва адрас тўқишни йўлга қўйиш иштиёқи пайдо бўлди. Президентимизнинг тадбиркорлар учун яратган имкониятлардан фойдаланиб, дастлаб 15 миллион сўм кредит эвазига атлас ва адрас тўқиш дастгоҳлари, шунингдек, тикув машиналарини харид қилдим. Кейинроқ яна уч миллион сўм кредит олиб, турли газлама ва матолар келтирдим.

Дилсора Бердиёрова тўқув цехини ишга туширгач, Марғилондан ҳунарманд усталарни таклиф этиб, қизларга "Устоз-шогирд" анъанасида ҳунар сирларини ўргатишга кўмаклашди.

— Водийдан ипак толалари келтиряпмиз, иш фаолиятимизни кенгайтириш ва янада сифатли, ранго-ранг матолар яратиш ниятимиз бор, — дейди у. — Муҳими, 11 нафар қизни иш билан таъминладик.

Зарафшонда ҳам Марғилонникидан қолишмайдиган атлас ва адрас тайёрлашни мақсад қилган Дилсора опада бунинг учун иштиёқи ҳам, интилиши ҳам етарли.

**Маърифат ШАРИПОВА**

# ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида битирувчиларга дипломлар топшириш ва офицерлик унвонини беришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Давлат божхона қўмитаси масъул ходимлари, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилда ташкил этилган мазкур олийгоҳда ҳозиргача кўплаб ёшлар таълим олишиб, ўз соҳасининг етук мутахассисларига айландилар. Якунланган ўқув йилида эса институтни 118 нафар тингловчи битирди. Таъкидлаш жоизки, улар институтдан мустақил ҳаётга учирма бўлаётган бешинчи навбат қалдирғочлардир.

Институтда 11 та кафедра мавжуд бўлиб, бу ердаги дарс хоналари, кимё ва криминалистика лабораториялари, амалий машғулот майдончалари замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, иккита ётоқхона, кутубхоналар, тренажёр заллари, тир, ёзги ва қишки сузиш ҳавзалари, теннис корти ва бошқа зарур иншоотлар тингловчилар ихтиёрида. Айниқса, контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш йўналишига ихтисослашган синфлар ҳамда "Товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаштириш" илмий лабораториясининг энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги таълим мазмуни ҳамда сифатини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Институтда олинган назарий билимларни божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхоначиларда дастлабки иш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий божхона бошқармалари, божхона комплекслари ва постларида битирувчиларнинг амалиёт ўташлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Битирувчиларни кузатиш маросими таниқли санъаткорлар иштирокидаги байрам дастурига уланиб кетди.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати**

«Uzkimyosanoat» ДАК

“MAXAM-CHIRCHIQ”

Очиқ акциядорлик жамияти

# МУКАММАЛЛАШГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган чуқур ва сифатли ўзгаришлар боис, ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билаётган деҳқон ва фермерларнинг юқори ҳосил олишдан манфаатдорлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун асосий озуқа моддалари манбаи ҳисобланган минерал ўғитларга ҳам талаб ортиб бораётир. Шу билан бирга, уларнинг нафақат самарадорлиги, балки экологик хавфсизлигига нисбатан ҳам талаблар кучаймоқда. Ана шу талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида мамлакатимиздаги йирик кимё корхоналаридан ҳисобланган “Максам-Чирчиқ” ОАЖ томонидан қулай, арзон ва самарали минерал ўғитлар ишлаб чиқарилаётир.**

## КАЛИЙ СУЛЬФАТ

Таркибида камида 48 фоиз калий бўлган юқори самарали концентрланган, мукаммаллаштирилган ҳамда ўзида сифат ва самара уйғунлигини мужассамлаштирган калий сульфат ўғит сифатида барча қишлоқ хўжалик экинлари учун турли тупроқларда ишлатилади, айниқса, енгил қумли тупроқларда, хлорга таъсирчан экинлар остига солишда самаралидир.

**Калий сульфат ўғитини қуйидаги меъёрларда ишлатиш мумкин:**

– экишда – экишга мўлжалланган чуқурликка 150-200 г;

– куз ва эрта баҳорда қўшимча озуқа сифатида – 1 $м^2$ поя атрофига 20-50 г. (1-2 ош қошиқ).

**Бутали мевалар учун доза:**

– экишда – экишга мўлжалланган чуқурликка 50-60 г. (3 ош қошиқ);

– куз ва эрта баҳорда қўшимча озуқа сифатида – 1 $м^2$ га 20-30 г. (1 ош қошиқ).

**1 $м^2$ га маймунжонлар учун доза:**

– экишдан олдин асосий солиш учун – 30-40 г. (2 ош қошиқ);

– бодринг ва помидорларга қўшимча озуқа сифатида – 10-15 г. (2 чой қошиқ).

Калий сульфатни кузда фосфор ўғитлари, баҳорда эса – азот ва фосфор ўғитлари билан қўллаш керак.

*Юқоридаги маълумотлар калий сульфатнинг техник шароитидан олинган тавсиялар асосида тайёрланди.*

## СУЛЬФОМОЧЕВИНА

Икки хил минерал ўғитлар – карбамид ва аммоний сульфатни бирга қўшиш билан олинадиган сульфомочевина минерал ўғити қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган.

Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти қошида олиб борилган тадқиқотларга кўра, сульфомочевина гуручнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиб, донларнинг кўпайиши, рўвак узунлиги ва дон тўлиқлигини, нимжон ва пўк донлар ва рўвакда дон бўшлиги камайишига олиб келишини кўрсатди.

Сульфомочевина қўлланилганда гуруч ҳосилининг кўпайиши назорат билан таққослашда мос равишда 28,6 ц/га ни ташкил этди.

**Қўллаш меъёрлари:**

– азот солишнинг йиллик меъёри 180 кг/га бўлганда, сульфомочевина қуйидаги ҳисобда солинади: азотнинг йиллик меъёридан 35 фоиз – май ойида тупроққа ишлов беришда (63 кг), 35 фоиз - июнь ойида шохланишнинг бошланиш даврида (63 кг) ва 30 фоиз – июль ойининг охирида тўпланишнинг охирида (54 кг).

– азот солишнинг йиллик меъёрида – 150 кг/га, сульфомочевина қуйидаги ҳисобда солинади: азотнинг йиллик меъёридан 35 фоиз - май ойида тупроққа ишлов беришда (52,5 кг), 35 фоиз июнь ойида шохланишнинг бошланиш даврида (52,5 кг) ва 30 фоиз – июль ойининг охирида тўпланишнинг охирида (45 кг).

**МАНЗИЛ:**
“Maxam-Chirchiq” очиқ акциядорлик жамияти
Тошкент вилояти
Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: (+998-7071) 6-40-79, 6-45-57
Факс: (+998-7071) 6-40-79, 6-56-70, 6-55-46
maxam_reklama@mail.ru
www.maxam-chirchiq.uz

## ТЕХНИКАВИЙ МАГНИЙ СУЛЬФАТ

Крахмал ва витаминлар миқдорини кўпайтириши ҳисобига картошка ва сабзавотлар таъмини яхшилайдиган, ҳосилдорликни оширадиган, таркибида олтингугурт бўлган самарали магнийли ўғитдир.

**Қўллаш меъёрлари:** техникавий магний сульфат тупроқни тайёрлашда азот ва фосфор ўғитлари билан бирга солинади.

- бодринг ва помидор остига - 7-10 г/$м^2$;
- бошқа сабзавот ва манзарали экинлар остига — 12-15 г /$м^2$;
- мевали дарахтлар остига (поя айланасига) — 30-35 г/$м^2$.

Ушбу ўғитни очиқ ва ёпиқ тупроқларда ўсимликларни илдиз ва илдиздан ташқари озиқлантириш учун ҳам қўллаш мумкин. Вегетация даврида илдизларни магний сульфат эритмаси билан озиқлантириш ҳар 15-20 кунда 10 л. сувга 25 г. ҳисобидан ўтказилади. Илдиздан ташқари озиқлантириш эритмани сепиш йўли билан ўтказилади: вегетация бошида – биринчи озиқлантириш 10 литр сувга (15-20) грамм, вегетация ўртасида – иккинчи озиқлантириш 10 л. сувга 30 г. вегетация охирида – учинчи озиқлантириш 10 л. сувга 50 г.

**Эритманинг сарфи ишлов бериладиган экинларга боғлиқ ва қуйидагиларни ташкил этади:**

- сабзавот, бир йиллик гул экинларига — 1-1,5 л/$м^2$,
- малина, смородина ва бошқа бута ўсимликларга — 1,5-2 л/$м^2$,
- мевали дарахтларга 2-3 л/$м^2$, ёш ва катта дарахтларга 5-10 л/$м^2$ миқдорида солинади

*Ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан тасдиқланган техникавий магний сульфатни қўллаш меъёрлари бўйича тавсияномасига асосан олинган.*

*“Максам-Чирчиқ” ОАЖда сифат бошқаруви тизими ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандарт ISO 9001:2008 талабларига жавоб беришига катта аҳамият берилмоқда.*

---

# Qishloq Qurilish Bank

## ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини самимий муборакбод этади! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик - хотиржамлик ва ишларингизда каттадан-катта ютуқлар тилайди.*



Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz

## ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» — «Омад» номли муддатли — ютуқли омонат турини таклиф этади. Ушбу омонат турига маблағлар 1 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади ва 100 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда нақд пулда йиллик 12 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2012 йилнинг 1 июнидан бошлаб 10 июль кунига қадар қабул қилинади. Ютуқлар тиражи 2012 йил август ойининг 25 санасида банкнинг Бош офисида ўтказилади. Ютуқлар тиражида қуйидаги 54 та пул ютуқлари ўйналади.

| т/р | Ютуқ миқдори (минг.сўмда) | Ютуқлар сони | Жами суммаси (минг.сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1 | 2000 | 1 | 2 000 |
| 2 | 1000 | 1 | 1 000 |
| 3 | 500 | 2 | 1 000 |
| 4 | 200 | 5 | 1 000 |
| 5 | 100 | 15 | 1 500 |
| 6 | 50 | 30 | 1 500 |
| Жами | | 54 | 8 000 |

Қўшимча маълумотлар учун:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй
Тел: (+99871) 150-76-52,
150-76-53

---

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008

## НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди



“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.



Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел:(998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08; Факс:(998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suvmash.uz, www.suvmash.uz

---

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:



ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

---

«Breed Cattle LLS»
компанияси зотдор сигирларни (келиб чиқиши - Швейцария, Голландия, Германия) келтириб беришни амалга ошириш имкониятига эга. Сигирларнинг зоти - Brown Swiss, Holstein, Fleckvieh.
Тўлов - ЎзР миллий валютасида.
Мурожаат учун телефон:
(+99890) 968-72-99
e-mail: breed_cattle@mail.ru

---

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA SOTILAMAN



+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел. : (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-mn.uz
www.man-mn.uz

MAN

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 22419 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4